O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №

Республикамизда илк ҳуқуқий нашр сифатида газетамиз 1996 йил 30 январдан чоп этила бошлаган эди

Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган	2001 йил 30 январ, сешанба	№ 5 (209)	Сотувда эркин нархда

БУГУН У РОППА-РОСА 5 ЁШГА ТЎЛДИ!

Дил изҳори

ЎЗ ЎРНИНИ ТОПДИ

Ҳозирги ҳаётимизни оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Янги хабарларга, маълумотларга эҳтиёж ҳар кунги турмушимизнинг маънавий заруратига айланиб қолган. Бу эҳтиёжни қондириш мақсадида республикамизда нашр қилинаётган газета ва журналлар муштарийларнинг доимий ҳамроҳи, дилкаш ҳамсуҳбати, беғараз маслаҳатгўйидир.

Мен жуда кўплаб газета ва журналлар орасида "Инсон ва қонун" газетасининг ҳар бир сонини алоҳида эътибор ва соғинч билан қўлга оламан. Негаки, бу нашр, гарчи кўплаб "отахон" газеталаримиз орасида ҳали ёш, яъни нашр этилаётганига атиги беш йил бўлган эса-да, халқ ичига кириб борди, эл назарига тушиб, кўп сонли муштарийларни ўзига қарата олди. Хўш, бунга қандай эришилди, дерсиз.

Биринчидан, "Инсон ва қонун" газетаси истиқлолдан кейин мамлакатимизда бошланган туб ўзгаришлар, ҳуқуқий-маърифий саводхонликни ошириш, қонунларимиз тарғиботига бўлган зарурат туфайли юзага келди. Қолаверса, таҳририят аъзолари, моҳир журналистларнинг фаол саъй-ҳаракатлари, фидойиликлари туфайли қисқа муддатда газета жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўз ўрнини топа билди.

Газетада эълон қилинаётган мақолалар аксариятини мен улкан тарбиявий аҳамиятга эгалиги учун қадрлайман. Чунки содир этилган бирор-бир жиноят ҳақидаги оддий хабар ҳам кишини сергаклантиради. Ҳаётимизда "Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб зикр қил" деган нақл бор. "Инсон ва қонун" газетаси фикр қилишга - босаётган қадамимиз нечоғли тўғри, оиламизда, маҳалламизда тутган тутимимиз, поклик, ҳалолликка уйғунлик, яшаб турган қишлоғимиз, шаҳримиз осойишталигидан биз қай даража огоҳмиз, деган ҳаётий муаммоларга муттасил эътиборимизни тортиб туради. Ана шу каби мавзуларнинг изчил ёритилиб келинаётгани, тағин табиат, атроф-муҳит муҳофазаси, ёшлар тарбияси, оила барқарорлигига бағишланган долзарб чиқишлар газетанинг мазмун-мундарижаси бой ва ранг-баранглигидан далолатдир.

Мен узоқ йиллардан бери матбуотда хизмат қилиб келаётган журналист сифатида газета меҳнатининг машаққатларидан ва бу севимли касбнинг шарафли эканидан яхши хабардорман. Сермазмун газета чиқариб, элга манзур этиш журналистлардан фидойилик талаб этишини яхши биламан. Ва ишонч билан айта оламанки, "Инсон ва қонун" газетаси бугун жамиятимизнинг барча қатламлари орасига кириб борди ва ўз ўқувчиларини топди. Бу эса жиддий ютуқдир.

Газетанинг заҳматкаш жамоасини қисқа вақт ичида - 5 йиллик муддатда ана шундай ютуққа эришгани билан чин дилдан қутлаб, уларга ҳамиша ижодий ютуқлар йўлдош бўлишини тилаб қоламан.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Суратда: «Инсон ва қонун» газетаси ижодий ходимларидан бир гуруҳи.

Хоразмда ҳуқуқий нашрларга эътибор кучайди

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги муассис бўлган "Инсон ва қонун" газетаси ҳамда "Ҳаёт ва қонун" журналига 2001 йил учун обуна ишлари ниҳоясига етди. 2001 йилда Хоразм вилояти бўйича 1011 киши "Инсон ва қонун" газетасини, 823 киши "Ҳаёт ва қонун" журналини обуначи сифатида, 10 мингларча фуқаролар эса ўқувчи сифатида уларни ўқиш имкониятига эга бўлдилар. Газета обуначилари сонини 2000 йилга нисбатан 173 кишига, журналимиз обуначилари сонини 52 кишига кўпайтиришга муваффақ бўлинди.

Айни пайтда вилоятда ҳуқуқий маърифат тарғиботи ишларини янада кучайтириш, ҳуқуқий нашрларимизга обуначилар сонини ошира бориш тадбирлари амалга оширилаётганлигини маълум қиламиз.

Қаҳрамон ИСАРОВ,
Вилоят адлия бошқармаси бошлиғи

ҚАДРЛИ "ИНСОН ВА ҚОНУН" ГАЗЕТАСИ ЖАМОАСИ!

Бизни қутлайдилар

Авваламбор, барчаларингизга янги 2001 йил, XXI аср ва учинчи минг йиллик бошланиши билан ҳамда эл назарига тушган суюкли газетамиз "Инсон ва қонун"нинг қутлуғ 5 ёшга тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) институти ходимлари номидан самимий қутловлар изҳор этишни истардим.

2001 йил газета жамоаси ҳаётида фақат яхши ўзгаришлар олиб келадиган омадли, бахтсоадатли йил бўлишини хоҳлардик.

Ҳурматли жамоа! Яна бир бор Сизларни муборакбод этиб, барчаларингизнинг республикамизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, мустақил давлатимиз фуқароларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада ошириш борасидаги машаққатли меҳнатларингизга муваффақиятлар тилаб, фуқароларимиз чанқоқ бўлган ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ мақолаларни ушбу йилда ҳам яна севиб ўқиш бахтига ҳамма муяссар бўлишини самимий истаб,

С. РАШИДОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман)

ҲУҚУҚИЙ МАЪРИФАТ ЖАРЧИСИ

"Инсон ва қонун"нинг республикамизда биринчи ҳуқуқий газета сифатида оммавий ахборот воситалари сафига кириб келиши халқимиз маънавий-ҳуқуқий ҳаётида муҳим воқеа бўлган эди.

Ўтган 5 йил узоқ фурсат бўлмаса-да, "Инсон ва қонун" ўз ўқувчиларининг яқин маслаҳатчиси, ҳуқуқий маърифат ва ахборот манбаига айланганлигини эътироф этамиз.

Инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан бораётган жамиятимизда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги, ҳуқуқий маданият даражаси, қонун устуворлиги таъминланганлиги муҳим аҳамиятга эга. "Тўртинчи ҳокимият" сифатида ҳар қайси газета, журнал фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиши, жамият ҳаётида демократик тамойилларни мустаҳкамлашда фаол иштирок этиши лозим. Ушбу мақсад ва вазифаларни амалга оширишда "Инсон ва қонун" ўз ўрнига ва салоҳиятига эгадир.

Ахборот асри бўлмиш XXI асрда ҳам "Инсон ва қонун"нинг ижодий фаолиятига улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Мирзоулуғбек АБДУСАЛОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раиси

Бу қисқа сатрлар беш йил олдин битилган эди:

"Инсон ва қонун"... Биз уни шундай атадик. Бамисоли туғилган чақалоққа исм қўйгандай. Яхши ният қилдик, эзгулик тиладик. Йўллари равон, нурафшон бўлсин, дедик. Кишиларнинг манфаатини қонуний ҳимоя қиладиган, фуқаролар ҳуқуқларини муҳофаза этган ҳолда адолат учун дадил курашадиган газета бўлсин, дея истак билдирдик...

* * *

"Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон ўзининг илк ҳуқуқий газетасига эга бўлди. Илгари собиқ Иттифоқ даврида одамлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини сўраб Москвага ёзардилар, умид билан жавоб кутардилар, адолат шабадасига интизор бўлардилар. Иншоолоҳ, у кунлар ортда қолди..."

* * *

Эркин ҲАЛИЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Раиси: *"Инсон ва қонун"газетаси зиммасига ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини, биринчи навбатда ҳуқуқ, қонунчилик масалаларини, шу билан бирга омманинг ҳуқуқий билими ва маданиятини ошириш, қонунчилик ва ҳуқуқтарғиботини мустаҳкамлаш, етук ҳуқуқшунос мутахассислар тайёрлашга кўмаклашиш ҳамда ҳуқуқий меросимизни, ривожланган мамлакатлар тажрибасини ёритиб боришда масъулиятли вазифалар юкланган."*

* * *

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳайъати: *"Ўз қонунчилигини шакллантираётган ва ҳуқуқий демократик давлат сари қадам қўяётган Мустақил республикамиз ҳуқуқий ҳаётини ёритиб бориш, қонунчилик муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўллари, фуқаролар ҳуқуқий онгини шакллантириш борасида "Инсон ва қонун" газетасининг ташкил этилиши айни муддао бўлди."*

* * *

У. МИНГБОЕВ Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси: *"Инсон ва қонун" газетаси ҳамиша халқ дилидаги ҳақ сўзни, қонунларимизнинг ҳаётийлигини таъминлашда қудратли куч бўлиб қолишига умид билдираман."*

* * *

М. Э. АБДУСАЛОМОВ, Олий хўжалик суди Раиси: *"Инсон ва қонун"газетаси бизнинг энг яхши ёрдамчимиз бўлиб қолиши билан бирга меҳнаткаш халқнинг севимли нашри сифатида ўқувчиларнинг қалб қўридан меҳригиёдек жой олишига ишончимиз комил."*

* * *

Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон халқ шоири:

"ЮРИСТ ДЎСТЛАР!
...Дўстим, Ҳақ ахтарган ҳар инсон учун,
Парвоз кунлар бўлса-осмони бўлгин.
Кўрсат ёвузликка адолат кучин,
Мудом эзгуликнинг посбони бўлгин".

ТЕЛЕГРАММА

"Инсон ва қонун" газетаси муҳарририятига!

"Сурхондарёсавдо" акционерлик компанияси севимли газетамиз чиқа бошлаганининг 5 йиллиги муносабати билан самимий табриклайди. Жамоангизга ижодий баркамоллик тилайди.

Ҳурмат билан Тиловмурод УМАРОВ, АК бошқаруви раиси

Талаба минбари

ВАТАНИМДАН ФАХРЛАНАМАН

2001 йил юртимизда "Оналар ва болалар йили" деб эълон қилиниши юксак инсонпарварлик ва келажак учун жонкуярликнинг яққол далилидир. Шу ишлар орқали давлатимизда келажак авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб етишишини давлат сиёсати даражасигача кўтарилганлигини англаб етаяпмиз. Бунда моҳият катта.

Қолаверса, давлатимизда амалга оширилаётган кўп қиррали ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонунлар, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари ушбу масалани кенг қамраб олган.

Мустақил республикамизнинг мустаҳкам пойдевори — қонунчилик фаолиятига назар ташласак, Асосий Қонунимиздан бошлаб, унинг асосида қабул қилинган 400 дан зиёд қонунлар, кодекслар эзгулик, инсон манфаати, келажагимизни янги даражага кўтариш руҳи билан суғорилганлигининг гувоҳи бўламиз. Улар орасида оналик ва болаликка эътибор алоҳида ўрин олгандир.

Оналар ва болалар муҳофазасининг муҳим жиҳати бу аввало, уларнинг соғлиги билан боғлиқ тарафидир. Бу борада тиббиёт соҳамиз, тиббиёт олий ўқув юртларининг педиатрия, акушерлик ва гинекология кафедралари, қатор ихтисослашган институтлар фаолият кўрсатаётганлигини кўриб, билиб, кузатиб турибмиз. Бўлажак ҳуқуқшунос сифатида яқинда Президентимизнинг чиқарган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишларидан сўнг бу ҳужжатни яна бир бор синчиклаб ўқиб чиқдим. Унда янги қирраларга дуч келаяпман. Айниқса, Бош Қонунимизнинг оила жамиятнинг асосий бўғини, у жамият ва давлат муҳофазасида эканлиги кўрсатиб ўтилганлиги юқоридаги фикрлариимзни мустаҳкамланишининг гувоҳи бўлдим.

Юртбошимизнинг 1994 йил 24 августдаги "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида"ги Фармонларини ҳам ўқиб чиқдим, нақадар адолатпарварлик, аҳолининг ижтимоий ҳимояси тизими яратилганлигини ҳис этдим, "Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида"ги Фармонларидан беҳад тўлқинланиб кетдим.

Хуллас, жонажон Ўзбекистонимиз жаҳон узра ўзига хос ижтимоий сиёсати билан намуна бўлса арзигулик ишларга киришганлигининг, бу ишлар умумжаҳон Инсон ҳуқуқлари декларацияси ва бошқа халқаро ҳужжатларга монандлигининг ҳам шоҳиди бўлаяпмиз.

Мен ёшларга ўз фарзандидек жонсарак мамлакатда яшаётганимдан, унинг фуқароси эканимдан фахрланаман!

Сарагул НАМОЗБОЕВА,
ТДЮИ 1-босқич талабаси

Ушбу сонда:

2 Паналаб тош отаётганлар — «Юмалоқ мактуб»ни ким битган?

3 Луқма — БЕШИНЧИ ТЎСИҚ

4 Газетамиз – 5 ёшда — Ходимларимиз фаолиятидан лавҳалар

Вилоят Адлия бошқармасида

ҚАРОР ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

Сарҳисоб. Ҳисобот йиғилиши. Бу нима? Якунларни кўз-кўзлашми, қоғозбозлик ёки расмиятчиликми? Йўқ. Бизнингча у таҳлил, хулоса ва фикр-мулоҳазага етакловчи бир туртки, тадбир, маросим, ундан эса шубҳасиз галдаги режалар, вазифалар ва тадбирлар тизими юзага келади. Шундай қилиб, йиғин қилинажак ишлар бўйича тегишли қарорлар қабул қилиниши билан ўз якунига етади. Аммо, очиғини айтганда, расмиятчилик билан ўтадиган, фақат расмиятчиликни кўзлаб ўтказиладиган йиғинлар ҳам бор.

Куни кеча Хоразм вилоят адлия бошқармаси ҳайъати, вилоят фуқаролик ва жиноят ишлари раёсатининг ўтган йил якунлари ва жорий йил вазифаларига бағишланган қўшма мажлиси ўтказилди. Аммо, ... йиғин узундан-узоқ, зерикарли маърузалардан холи ўтди. Ҳисоботлар қисқа ва лўнда бўлди. Белгиланган тадбирлар, вазифалар эса кўламдорлиги билан ажралиб турди ва анжуман аҳли эътиборини жалб этди. Чунончи, судлар томонидан жазонинг оғиррок жиҳатлари кўпроқ қўлланилаётгани, оқловга доир ҳукмлар эса ниҳоятда кам чиқарилаётгани, сайёр суд мажлислари ҳамон оз ўтказилаётгани, айрим масъул шахслар эса ҳатто жиноий кирдикорларга ҳам қўл ургани, Хонқа туманидан ташқари барча судларнинг ҳужжатлари устидан шикоятлар, қуйи табақа судлари қарорларининг юқори судлар томонидан бекор қилиниши ҳоллари кўпайгани, ижро тадбирлари баъзида ўта суст ва палапартиш бажарилаётгани, нотариал ва ФҲДЁ идоралари фаолиятида ҳам муайян камчиликлар мавжуд экани, айни пайтда оммалаштириш ва тарғиб-ташвиқ қилишга арзирли ишлар, тадбирлар, тажрибалар ҳам оз эмаслиги, хусусан, нотариал ҳаракатлар ҳажми ва тушумлар миқдори ортгани, ФҲДЁ бўлимларида эса оталикни белгилаш ҳолларини озайтиришга, оилавий ажралишлар сонини камайтиришга, омма билан мулоқотлар ва алоқаларни кучайтиришга эришилаётгани, диний ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик сезиларли яхшилангани, жиддий хулосалар, аниқ-равшан вазифалар ва режалар рўёби учун саъй-ҳаракатлар қайт этилди.

- Фуқаролик ишларини кўришга ихтисослашган суд идораларининг таркиб топиши мамлакатимизда демократия, адолат ва қонунийлик тантанаси сари ташланган яна бир дадил ва салмоқли қадам бўлди,-дейди анжуманда сўз олган вилоят фуқаролик ишлари суди раиси О. ДЎСТЧОНОВ, - Эндиликда иш ва режаларнинг кенг кўлами очилаяпти. Янги тизимда илк бора фаолият бошлаган ҳакамлар ўқувини ташкил этиш ана шу вазифаларнинг биридир.

- Баён этилган камчилик ва нуқсонлар ҳар биримизни сергакликка, масъулият ва масъулликка, катта миқёсли ишлар, режалар, вазифалар рўёби учун сафарбарликка чорламоқда,- дейишди йиғинни бошқарган вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи Қ. Исаров ва сўзга чиққан вилоят жиноят ишлари судининг раиси С. Хўжамуродовлар.

Анжуман ишчанлик вазиятида ўтди. Баён этилган кўпдан-кўп вазифалар, тадбирий мулоҳазалар, фикрлар, таклифлар эса қабул қилинган қарорларда ўз аксини топди. Шу билан йиғин ўз поёнига етди. Аммо, амалий ишлар энди бошланаяпти. Зеро, қарорлар қоғоз учун эмас, галдаги ишлар ижроси учун қабул қилинди ва ҳуқуқий ҳужжат мақомини олди. Энди гап қарор ижроси билан кучлилигини амалда намоён эта олиш салоҳиятига қараб қолган.

Абдулла СОБИРОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

Долзарб мавзу

БИРНИКИ МИНГГА, МИНГНИКИ ТУМАНГА

Мамлакат иқтисодиёти асосан бож, солиқ ва бошқа тушумлардан ташкил топиши барчага аён. Жамиятда тутган мавқеимиз, эгаллаб турган лавозимимиздан қатъий назар, бу масалада ҳар биримиз тенг ҳуқуққа ва тенг манфаату масъулиятга эгамиз. Зеро, жамият тараққиётини, фаровонлигини солиқ тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Давлат бюджетини ташкил этишнинг ушбу воситаси пировард натижада умумдавлат эҳтиёжларини қондирувчи, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтирувчи, хориж инвестицияларини жалб этишга ижобий таъсир этувчи, хуллас, халқнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи муҳим омилдир.

Мамлакатимиз янги асрга, янги минглилликка қадам қўйди. Ўтган йиллар мобайнида иқтисодиётнинг барча соҳаларида жадал амалга ошган ўзгаришлар қатори Ўзбекистонда солиқ тизими такомиллашиб борди ва бу борада жиддий ютуқларга эришилди. Солиқ тизимини мувофиқлаштирувчи тадбирлар бугунги кунда ҳам изчиллик билан амалга оширилмоқда. Хўш, уларнинг самараси қандай бўлаётир? Тушумларнинг кўпайишига таъсир кўрсатаётган омиллар нимада?

Мухбиримиз шу каби саволлар билан Жиззах вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдумўмин ЖЎРАБОЕВга мурожаат этди.

- Абдумўмин Кўлдошевич, солиқ тартибларининг такомиллашиши, аҳолига муайян имтиёзлар берилаётгани солиқ тушумларининг кўпайишига сезиларли таъсир кўрсатаётган бўлса керак...

- Албатта, бу тадбирлар самараси вилоятимиз бўйича солиқ тушумларининг миқдори аввалги йилдагига нисбатан сезиларли даражада ошганидан ҳам кўриниб турибди. Мана, ўтган 2000 йил мобайнида эришилган режа кўрсаткичлари: вилоят солиқ бошқармамиз давлат бюджетининг даромадлар қисмига 10 миллиард 257,5 миллион сўм солиқ тўловларини туширишга эришди. Бу кўрсаткич 1999 йилга нисбатан 3 миллиард 339,1 миллион сўмга кўп, яъни белгиланган режа 104,9 фоизга бажарилди, деган гап. Бундай тўловлар бўйича тушумларнинг асосий қисми, яъни 4108,9 миллион сўми ёки 40 фоизи даромад ҳамда қўшилган қиймат солиқлари салмоғига тўғри келади.

Бу албатта, биринчи навбатда солиқ бошқармамиз, унинг ҳудудий тузилмаларидаги барча ходимларимизнинг, қолаверса, халқимиз фаровонлиги йўлида фидойилик кўрсатиб, ўз касб-масъулиятини виждонан бажариб келаётган мутахассисларимизнинг хизматлари натижасидир.

- Юқорида сиз келтирган рақамлар барча турдаги солиқ тўловлари кўрсаткичларига тааллуқли, деса бўладими? Бошқача айтсак, режа кўрсаткичлари бажарилмай қолган солиқ турлари ҳам борми?

- Бор. Режа кўрсаткичларимиз умумий саҳнда бажарилган бўлса-да, саккиз турдаги солиқ тушумларидан фақат ягона ер солиғи учун белгиланган режа кўрсаткичи 6,6 миллион сўмга бажарилмасдан қолди. Биз эндиликда бу каби ҳолатларнинг олдини олишни мўлжаллаб иш юритаяпмиз.

Вилоятимизда ўн учта солиқ идораси республика солиқ тизимининг барча тузилмалари қатори ўзларининг 2001 йил учун асосий ташкилий-техникавий тадбирлар режасига мувофиқ, белгиланган регламент асосида фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил учун асосий микроиқтисодий ва давлат бюджети кўрсаткичларининг башорати тўғрисида”ги 500-сонли Қарорида белгиланган талабларнинг ўз вақтида бажарилиши юзасидан чора-тадбирлар белгиланди. Солиқ ва йиғимларнинг ўз вақтида бюджетга тушишини таъминлаш, боқиманда маблағларнинг ўсиб кетишига йўл қўймаслик, солиқ интизомига қатъий риоя қилиниши учун қатъий назорат ўрнатилди. Бу борада жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари, молия, банк муассасалари ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз.

- Олаётган фойдаларни камайтириб, ҳисоб-китобларда таннархни сунъий равишда юқори кўрсатишга уринадиган корхоналар ҳам учраб турса керак. Чунки солиқ тўлашдан қочадиганлар ҳам бор, деб ўйлаймиз. Бу ҳақда нима дейсиз?

- Бошқа жойларда бўлгани каби бизнинг вилоятимизда ҳам бундай ҳоллар учрайди. Назоратчиларимиз ҳушёрликни кўпинча ана шундай нуқталарга қаратишаётир. Таъкидлаш жоизки, қайси корхона ўзи олаётган фойдасини қандай йўл билан яширишга уринмасин, ғирромлик барибир очилади. Балки бири эрта, бошқаси кечроқ очилар, бироқ соф фойдани ҳисоб-китоблардан буткул ёпиб юборишнинг ҳеч иложи йўқ.

- Шубҳасиз, бу масалада гап солиқ тизимлари ходимларига ҳам боғлиқ, шундай эмасми? Ходим ўз ишига эътиқод ва чуқур билим билан ёндашса, давлат манфаатини муқаддас билса...

- Ходимларимизнинг жиддий саъй-ҳаракатлари туфайли ўтган йили ҳар хил сабабларга кўра солиқ тўламасдан қочиб юрган 13 та корхона фаолияти пухта ўрганиб чиқилиб, муҳр ва тамғалардан қонунга хилоф равишда фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида. вилоят ички ишлар

бошқармаси тузилмаларига ҳужжатлар тақдим қилинди. Бюджет олдида қарздорлиги 935,1 миллион сўмни ташкил этган 337 корхона ва ташкилотларнинг ҳужжатлари расмийлаштирилиб, хўжалик судига юборилди. 207 та корхона ва ташкилотларнинг 534,8 миллион сўмлик мол-мулки хўжалик судининг қарорига асосан хатловга олинди, шулардан 145 тасининг 185,3 миллион сўмлик мол-мулклари Давлат мулк қўмитаси Жиззах вилояти бошқармаси томонидан уч ёқлама шартнома асосида сотилди.

Умуман, вилоятимиз бўйича ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлган корхона ва ташкилотлар текширишдан ўтказилганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги 1154-сонли Фармони ижросини бузган 405 та корхона ва ташкилотларнинг жами 5397144,4 минг сўм миқдорда муддати ўтказиб юборилган дебитор қарздорликлари аниқланиб, 685 нафар мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жарима жазоси қўлланилиб, тўла ундирилди.

- Хабарингиз бор, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 ноябрдаги “Пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинган эди. Унинг ижроси юзасидан...

- Биз дастлаб бошқарма ҳамда туман солиқ инспекцияларида пенсия жамғармаси шўъбаларини ташкил этдик ва уларни ходимлар билан тўлиқ таъминладик. Ишга қабул қилинган ходимлар билан ўқув-семинарлар ўтказилди. Ҳозирча жойларда давлат солиқ идоралари томонидан пенсия жамғармаси бўлимларидан юридик ва жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларни қабул қилиб олиш ишлари якунланди. Ижтимоий таъминот бошқармасининг барча бўлимларида янги ҳисоб рақамлари очилди.

- Халқимизда: “Эл оғзига элак тутиб бўлмайди”, деган нақл бор. Баъзида солиқчининг ҳам жиғилдони бор, озгина мойлаб юборсанг, кўриб турган камчиликни ҳам кўрмаганга олиб кетаверади, деган гапларни эшитамиз. Бу ҳақда нима дейсиз?

- Мен солиқ тизимига ишга кириб, бир-икки йил ичида босар-тусарини билмай қолган, дағиллама иморат қурган, машина олган кимсалар борлигини инкор этолмайман. Очиғини айтсам, бундай олғирлар бошқа соҳаларда ҳам учрайди. Бироқ ўз касбини, масъулиятини унутганларнинг чопишлари “сомонхонагача”. Қолаверса, қарс икки қўлдан чиқади, деган гап ҳам бор. Агар солиқ тўловчи ўз ҳақ-ҳуқуқинигина эмас, фуқаро сифатидаги бурчини, солиқ интизоми талабларини ҳам яхши билса, уларга оғишмай риоя этса, солиқчилар минг уринмасин, қонун-қоидани четлаб ўтолмайди, умуман, бундай ножўя ҳаракатларга ҳожат ҳам қолмайди. Жамиятимизда солиқ маданияти юксак ахлоқий меъёр даражасига кўтарилганда ҳар қандай қинғирликларга ўрин қолмайди. Солиқ маданиятини юксалтириш, биринчи галда, солиқ ходимларининг вазифаси: улар халққа солиқларнинг тўғри олиниши фақат давлатга эмас, ўзларига, яъни солиқ тўловчи истиқомат қилаётган туманнинг бюджетига катта фойда бўлиб тушишини, натижада туман ободончилиги, иқтисодий ўсиши жадаллашишини тушунтира билишлари керак.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 13 мартдаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори ҳамда Республика Давлат солиқ қўмитасининг 2000 йил 11 апрелидаги 78-сонли Буйруғининг Жиззах вилоят Давлат солиқ бошқармасида бажарилишини таъминлаш юзасидан тўққиз кишидан иборат комиссия тузилди. Мазкур комиссия вилоят солиқ бошқармаси ва унинг тизимларидаги барча ходимлар фаолиятини ўрганиб чиқди. Ана шу тадбир натижасига кўра 250 нафар солиқ хизмати ходими лавозимларига қайта тасдиқланди, 153 нафарининг лавозимлари ўзгартирилди, 24 ходимга бошқа ишлар таклиф қилинди ва 12 нафар ходим мутахассислиги тўғри келмагани, ички талаб-қоидаларни бузганлиги, ахлоқий нопокликлари боис солиқ органларида ишлашга нолойиқ деб топилди.

- Шу ўринда бир савол туғилаяпти. Солиқ хизматида ишлашга талабгорлар олдига қандай талаблар қўйилади? Қандай мезонларга асосланиб ишга қабул қиласизлар? Махсус маълумотнинг ўзи кифоя қиладими?

- Жуда тўғри савол бердингиз, чунки солиқчи бўлишга иштиёқи борлар оз эмас. Бироқ очиғини айтишим керак, бу соҳада ишлаш учун махсус маълумотнинг ўзи кифоя эмас. Хабарингиз бўлса керак, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқ органларига танлов асосида ишга қабул қилиш йўлга қўйилган. Танловда олий ва ўрта махсус маълумотга эга ҳисобчи, иқтисодчи ва ҳуқуқшунослар қатнашишлари белгилаб қўйилган. Вилоятимизда бундай танлов ҳар уч ойда бир марта 4 босқичда ўтказилмоқда. Танлов иштирокчиларининг жисмоний бақувватлиги, олдинги иш фаолияти ҳисобга олинади ва комиссия суҳбатидан ўтганидан сўнг тест синовига қўйилади. Ҳозирча бир бўш ўринга 3-4 та номзод тўғри келаётир. Улардан энг юқори кўрсаткичга эга бўлганлари танлаб олинмоқда. Масалан, 2000 йил декабр ойида ўтказилган танловга 31 нафар шахс ариза берган. Шулардан 25 нафари тест синовига кириш учун рухсат олган бўлса, 6 нафари юқори натижалар кўрсатиб, ишга қабул қилинган ходимлар Республика Давлат солиқ қўмитасининг ўқув марказида алоҳида ўқитилиб кейин амалий ишга рухсат берилди.

Мақсадимиз — солиқ назоратчиси фақат даромадини яширганларни аниқловчи, солиқ тартибларини жорий этувчигина бўлиб қолмай, айни пайтда мамлакатимиз тараққиётини теран мушоҳада қила биладиган етук мутахассис бўлса, деймиз. Зеро, халқимиз “Бирники мингга, мингники туманга” деб бежиз айтмаган ва айни шу ҳикмат солиқчига ҳам, солиқ тўловчига ҳам айтилган даъватдек туюлади. Ўз касбимизни қадрласак, давлатимиз хазинасига қўшиладиган тушумни ўз вақтида ўтказсак, жамиятимиз, демакки, ўз турмушимиз манфаатини кўзлаган бўламиз.

Суҳбатдош:
Нурмамат АЛМУРОДОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

Паналаб тош отаётганлар

«Юмалоқ мактуб»ни ким битган?

Таҳририятимизга Қашқадарё вилояти Усмон Юсупов тумани, «Миришкор» жамоа хўжалигида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар номидан имзоланган шикоят мактуби келган эди. Унда шу туман ИИБнинг икки ходими уларнинг тинчлигини бузиб, уйларида асоссиз тинтув ўтказиб, пулларини олиб қўяётганлиги ва бошқа қатор хизмат суиистеъмолчиликлари ҳақида хабар қилинганди.

Таҳририят уни ваколатли идора — Қашқадарё вилоят прокуратурасига йўллади ва хатда битилган фактлар юзасидан ўз ҳуқуқий хулосасини билдиришни сўради. Яқинда вилоят прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Т.Умаров имзоси билан қуйидаги жавоб хатини олдик:

“Инсон ва қонун” газетасига шикоят мактуби йўллаган Қ.Содиқов, С.Хўжаев, А.Жўраев, А.Тилавов ва бошқалардан тушунтириш хатлари олинганда, улар шикоят мактубини ёзмаганликлари, имзо ҳам уларга тегишли эмаслиги, туман ИИБ ходимлари А.Хўжанов ҳамда Ш.Аминовлар бирор кишининг хонадонида тинтув ўтказганлиги хусусида гап-сўз эшитмаганликлари ва ўз уйларида ҳам бундай ҳол содир этилмаганлиги тўғрисида кўрсатма беришди.

У.Юсупов тумани ИИБ ходимлари А.Хўжанов ва Ш.Аминовлар ўз тушунтириш хатларида ҳеч кимнинг уйи тинтув қилинмаганлиги, ҳеч кимдан пул олмаганликлари хусусида баён қилишди.

“Инсон ва қонун” газетасига йўлланган шикоят мактубида кўрсатилган ҳолатлар тасдиқланмаганлигини инобатга олиб, “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасига асосан аноним хат деб топилди ва асоссиз қолдирилди”.

* * *

Инсоннинг умр йўллари ҳамиша ҳам силлиқ кечавермайди. У кутилмаганда ноҳақликнинг аламли зарбаларига, алдов ва ёлғоннинг мудҳиш ҳийлаларига дуч келиб қолиши мумкин. Аввало ҳеч ким бундай оғир аҳволга тушмасин. Аммо мабодо шундай ҳол содир бўлиб қолса, билиб қўйиш керакки, унинг суянчи, ҳимоячиси шак-шубҳасиз ҚОНУН бўлади.

Таҳририятимизга ўз номини бекитиб, ўзгалар номини қўйиб хат битган “инсон” (ёки “улар”) ким бўлди экан? У ўзининг бундай “панадан тош отиши” туфайли кўплаб масъул идораларни чалғитганлиги, одамлар текширувга жалб қилиниши, тинчлигининг бузилганлигини, қимматли вақтлар ўғирланиб, фойдали хизматдан қолдирилганлигини билармикан?

Балки уни шундай йўл тутишга қандайдир сабаблар мажбур қилгандир. Шу йўл билан “ғаним”ларини чақмоқчи бўлгандир? Аммо кўриб турибсизки, умумишимизда зараркунандалик, кимнингдир номини ноҳақ қорага чиқаришга уриниш — бу йўл эмас-да! Балким “қўли қичиш” касалига учраганлардандир?

Мактуб ортида ҳам албатта кимдир бор. Шу ўринда унга Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасини эслатамиз: “Мурожаатларда фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган, таклиф, ариза ёки шикоятнинг моҳияти баён этилган бўлиши лозим. Ушбу маълумотлар кўрсатилмаган мурожаатлар аноним хат ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди”.

Хуллас, орамизда бундайлар бўлмаса деймиз. Бундайларнинг аризаси мазмунан кўриб чиқилмаслиги қонун талаби, лекин унинг “муаллифи”ни топиб, халққа юзини, башарасини кўрсатишга ҳаракат қилинса, балки фойдали бўлармиди?!.

“Инсон ва қонун” таҳририяти

Ҳисоботлар ва режалар

ҲУҚУҚИЙ МАЪРИФАТЧИЛАР КЕНГАШДИ

2001 йил 18 январ куни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Тошкент Давлат юридик институти вакиллари иштирокида Республика Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази ва унинг вилоятлардаги минтақавий бўлимларининг йиллик ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

Уни Тошкент Давлат юридик институти ректори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, юридик фанлар доктори, профессор Ҳалимбой Бобоев кириш сўзи билан очди ва олиб борди. Тадбирда ўтган йилги фаолият юзасидан ҳисоботлар ва келгусидаги вазифалар хусусида муаммолар тингланди. Асосий мавзу ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази директори ўринбосари М. Асқарованинг “Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказининг 2000 йил иш якунлари ва Президент И. Каримовнинг идоралараро мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида”ги, Марказ директори, фан арбоби, юридик фанлари доктори, профессор Ғафур Абдумажидовнинг “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги Фармойиши ижроси юзасидан Марказнинг чора-тадбирлари” мавзусидаги маърузаларида акс этди.

Марказнинг Фарғона, Хоразм, Тошкент, Навоий, Бухоро ва Қашқадарё вилоят минтақавий бўлим бошлиқлари сўзга чиқиб, ўз фаолиятлари ҳақида ҳисобот беришди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги вакили Э. Саидов Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказининг амалга оширган ишларига танқидий ёндашиб, келгусида амалга оширилажак вазифалар юзасидан амалий ва назарий таклифларни билдирди.

Йиғилишда Марказ фаолиятини янада такомиллаштириш, ҳуқуқий демократик давлат қурилиши, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолат қарор топишини таъминлашда амалга оширилаётган ислоҳатларга самарали ҳисса қўшиш, аҳоли ҳуқуқий онги, билими ва маданиятини юксалтириш, сиёсий фаоллигини ошириш ва жамоатчилик фикрини чуқурроқ ўрганиш борасидаги қатор йўналиш ва тадбирлар белгиланган қарор қабул қилинди.

Актам МУҲАММАДИЕВ,
ТДЮИ магистратура талабаси

Тошкент шаҳри Сирғали тумани суди судьялари Ф.Тўраев, А.Иброгимов ва С.Султоновлар ўз фаолиятларини тўғри йўналтириш хусусида тез-тез кенгашиб туришади.

(Пастдаги сурат)

- Асосий вазифамиз бу — одамларнинг қонунга, адолатга ва шу орқали суд ҳокимиятига тўла ишончини шакллантириш, - дейишди Тошкент тумани суди судьялари Ю.Илҳомов, М.Алимуҳаммедов ва Х.Комилхўжаевалар ўзаро суҳбатда.

К.ЎЛМАСОВ олган суратлар

Соғлом оила — она ва бола бахти

ҲАЁ БОР ЖОЙДА...

Конституциямизнинг алоҳида боби оила муносабатларига бағишланган бўлиб, унинг 63-моддасида никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланиши акс этган. Бу ҳолат Оила кодексимизнинг 14-моддасида ҳам келтирилган.

Маълумки, никоҳ оила барпо бўлишининг асосий шарти ҳисобланиб, у давлат фуқаролик ҳолатларини қайд этиш муассасалари томонидан тан олинсагина ҳақиқий ҳисобланади. Аммо томонларнинг оғзаки ёки ўзаро келишувига асосан юзага келаётган ва никоҳни кейинчалик расмийлаштириш фактлари учраяпти. Аксари ҳолларда қуда-андачилик ва эларо ошкора муносабатлар, анъанавий тўй маросимларидан сўнг оила вужудга келади. Баъзида эса атиги эркак ва аёлнинг ўзаро битими асосида оилалар ташкил бўлади. Улар расмий қайд этилмаган бўлсада, мавжуд оила сифатида тан олиниши мумкин, аммо пинҳона қурилган оилаларнинг деярли бари мўрт ва омонатдир.

Амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга кўра никоҳ ФҲДЁ идораларида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб, қонунийлик кашф этади ва томонлар ўртасида эр-хотинлик бурчи, ҳуқуқи ва мажбуриятлари вужудга келади. Никоҳ қайд этилгандан кейин туғилган фарзандлар тўғридан-тўғри ва ҳеч қандай ортиқча ҳужжатларсиз оила фамилияси асосида рўйхатга олинади, туғилиш гувоҳномаси расмийлаштирилади, ота ва онанинг исм-шарифлари қайд этилади.

Агар никоҳ қайд этилмаган ҳолатда фарзанд туғилсачи? Оворагарчиликлар бошланади. Бунда фарзандини тан олган тарафлар чақалоққа ўз фамилияси берилишини ёқлайди, албатта. Бироқ бу масалага қонуннинг муносабати қандай? Қонун тақозосига кўра никоҳсиз туғилган фарзандга даставвал оталик белгиланади, яъни фарзанднинг отасини аниқлаш тадбири ўтказилади. Бунда ота ва онанинг болани ўзлариники эканлигини тан олиб, берган аризаси кифоя қилади. Оталик шундай аризага мувофиқ белгиланади ва фарзанд ўз отаси фамилиясини олади. Хўш, нега ота ўз фарзандига оталик белгилаши даркор? Бунинг қатор сабаблари бор. Одатда фарзанд туғилганда ота ёки онадан бирининг илгариги никоҳи бекор қилинмаган, ота ФҲДЁ маҳкамасига никоҳдан ўтиш учун келиш имконини тополмаган ёки никоҳ қайд этилишига монелик қилувчи бошқа ҳолатлар бўлади. Шу боис оталикни белгилаш тадбири амалга оширилади. Юқоридаги ҳолатлар бартараф этилганидан сўнг оталик белгиланади. Оталикни белгилаш имкони бўлмай қолган ҳолларда фарзанднинг исм-фамилияси қандай юзага келади?

Бунда онанинг хоҳиши эътиборга олинади ва фарзандга унинг фамилияси берилади. Фаолиятимизда баъзан фарзандга вақтинчалик онанинг фамилияси берилиши ҳолларига ҳам дуч келаяпмиз. Бола туғилган пайтда ота узоқ муддатли сафарда бўлиши каби сабаблар чақалоққа вақтинча она фамилияси берилишига олиб келаяпти. Ота сафардан қайтгач эса фарзанд эр ва хотиннинг биргаликдаги аризасига мувофиқ ўзининг бир умрлик ҳақиқий фамилиясини олади. Бу борада тез-тез муаммоли ҳолатларга ҳам дуч келаяпмиз. Масалан, яқинда ҳузуримизга қайнонолардан бири ташриф буюрди.

Эмишки, ўз ўғлига ўзи танлаб олиб берган келини оилада омонатмиш, бугунми эрта унинг жавобини бериб юборса ҳам бўлавераркан. Шу боис қайнона оила мустаҳкамлигига кўзи етгачгина туғилган неварасига ўғлининг фамилиясини олиб берармиш. Ҳозирча эса у чақалоқни келини фамилияси бўйича номламоқчи. Ана шу тариқа никоҳ ва оталикни белгилашни йиллаб ва 2-3 нафар фарзанд туғилгунча чўзаётган эр ва хотиннинг турмуши бузилишига кўмакчи бўлаётганлар ҳам учраяпти. Бундай ҳоллар юз бермаслиги учун бизнингча никоҳ тўйдан олдин қайд қилинмоғи лозим, деб ҳисоблаймиз. Негаки, қайд этилган никоҳ оила бузилиши, турли келишмовчилик ва низоларга тўсиқ ҳисобланади.

Ҳаётда қилғиликни ошиқ-маъшуқалар қилиб, жабрини айбсиз фарзандлар чекаётган ҳоллар ҳам учрайди. Буни енгил фикрли, балоғатга етмаган ёшлардан туғилаётган баъзи гўдакларнинг қисмати тасдиқлайди. Урганчлик Ш.О. 1984 йилда, В.М. ўша йили 3 мартда, З.С. 16 мартда, Б.А. 26 февралда туғилган. Ваҳоланки, буларнинг ўзлари ҳали гўдак. Никоҳлари ҳам қайд этилмаган. Энди фарзандларига исм-фамилия беришдаги можаро-машмашаларни айтмайсизми?! Албатта, Оила кодексимизда бундай ҳоллар ечими ҳам назарда тутилган. Бироқ у расмий текширишлар ва ортиқча ҳужжатбозликлару югур-югурлар замирида амалга оширилади. Қонун ёшларнинг 17 га тўлганидан сўнгги оилавий турмушини тан олади. Ана шу ёшга етмаганларнинг фарзанд кўриши ёки турмуш қуриш ҳоллари эса...

Ҳаё бор жойда ҳаёт бор. Ҳаётимизда озми-кўпми содир бўлаётган юқоридаги ҳоллар биринчи галда оилавий муҳитга боғлиқ. Муҳит бузилса, турмуш дарз кетади. Биласиз, оилавий муҳит учун рўзғорда ота-она, маҳалла-кўйда эса жамоатчилик, оқсоқоллар, кўча бошилар, фаоллар, хотин-қизлар ташкилотлари, иноқлик комиссиялари жавобгар. Қаердаки, ахлоқ-ҳаё меъёрлари издан чиқса, бунинг учун масъулиятни ўша жойдаги мутасаддилар ҳис этмоғи даркор.

Тўхтажон СУЛТОНОВА,
Урганч шаҳар ФҲДЁ бўлими мудири

Конституциямизни ўрганамиз

БУЮК ИМКОН

"Миллий валюта, байроқ, герб, мадҳия, Конституция давлат ва халқнинг рамзи, мустақиллиқнинг муқаддас белгисидир!"

Ислом КАРИМОВ

Ҳаётда инсон билиши зарур бўлган кўп қонун-қоидалар, тарих, насл-насаб, бурч ва илмлар борки, буларнинг ҳаммаси озод, ҳур инсон яшаётган жамият — давлатнинг Асосий Қонуни — Конституцияни билиш ва унга амал қилишчалик шарафга, ҳуқуқий тамойилларга тенг келолмайди. Юқорида саналганларимиз барча тартиб-қоидалар Конституцияга таянади, ана шу биргина сўз жамиятда инсонни инсондек ҳис этиши, яшаши ва барча орзу-истаклари, ҳуқуқларини кафолатлайди.

Яқиндагина (атиги ўн йил олдин) ўтмишга айланган қарамлик даври — Совет тузумида қоғоздаги қонунлар кучини, уларнинг халқимиз ҳаётидаги пуч таъсирини яхши биламиз. Баъзан ўйга толасан киши: "Наҳотки биз — ўзбеклар мустақил бўлдик, наҳотки бизнинг ўз мустақил давлатимиз, ўз Президентимиз, ўз Конституциямиз бор?!."

Оллоҳга шукурлар бўлсинким, хаёллар рўёё эмас — ҳақиқат. Шундай пайтлар эдики, "мустақиллик", "мустақил давлат" деган тушунчалардан жуда йироқда эдик. Умр бўйи кимларнингдир етагида юришимиз, бировларнинг хоҳиш-иродасига бўйсуниб, чизган чизиғидан четга чиқмаслигимиз гўё табиийдек — пешонамизга ёзилгандек эди. Яна мутеликнинг даҳшати шунда эдики, ўй-фикрларимиз, ҳаракатларимизни йил сайин фалажлик гирдоби — ҳалокат томонга яқинлаштириб борар эди...

Барига нуқта қўйилди. Оллоҳнинг инояти, Президентимизнинг дадил саъй-ҳаракати, буюк ватанпарварлик жўръати ила озод Ўзбекистон мақомига эришдик. Тарих Ўзбекистонни, ўзбек халқини ёруғ юз билан дунёга маълум этди. Аммо шунгача ўтган давр, халқимиз йўқотган имконлар ўрнини тўлдириш учун Президентимиз ўртага ташлаётган таклиф ва тадбирлар, тезроқ амал қилишимиз лозим бўлган Фармойишларнинг қадрига етиш, уларнинг моҳиятини халқимизга, айниқса, ёшларимизга сингдириш ҳар бир юртдошимизнинг — ҳар бир фуқаронинг кимлигини яна бир бор синовдан ўтказадиган вақт келди. Асосий Қонунимизни теран билиш ва унга амал қилиш биринчи навбатда, бу бизнинг ўзлигимизни — ҳам миллий, ҳам фуқаролик манфаатларимизни ҳимоя қилади. Асосий Қонунимиз қабул қилинган илк кунларданоқ (1992 йил 8 декабр) Президентимиз: "Янги Конституциямизнинг энг муҳим моҳияти шундан иборатки, унда "Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар", дейилган, яъни фуқаролар манфаатининг устунлиги қонуний равишда мустаҳкамланган ва кафолатланган...

Бу нима дегани? Сир эмас, узоқ вақт мобайнида давлатга, Совет ҳокимияти аталмиш улкан империяга сиғиниб яшадик. Қарамликнинг барча асорати борки, бари жисмимизда, турмуш тарзимизда аён эди. Эгалик ҳуқуқи давлатники, мулк давлатники, жамики манфаатлар тепасида давлат турар эди. Бундай шароитда фуқаро, шахс манфаати ҳақида гап бўлиши мумкинмиди? Қўрқиб, алдаб ёки алданиб яшашга маҳкум эдик. Бир хиллик қолипидан чиқишга йўл қўйилмас эди. Ташаббус давлатдан, ғамхўрлик давлатдан, ҳатто "социалистик мусобақа" шартларини ҳам давлат ишлаб, ўзи уюштирар эди. Йилига нечта меҳнат қаҳрамони чиқиши керак, миллати, ёши, касбини ҳам давлат белгилар, тасдиқлар эди. Бир қараганда тенглик асосида, режали кўринган бундай тартиб-қонунлар фақат ягона мақсад — қарамлик тузумини мустаҳкамлаш, ҳукмронликнинг умрини узайтиришга хизмат қиларди. Бугун фахр билан айтиш мумкинки, мустақил Ўзбекистон Конституциясининг устувор жиҳати — унда инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясига мос барча қоидалар мужассамлаштирилган.

Турли мамлакатларда ҳар йили кўплаб қонун, фармойишлар эълон қилинади. Аммо шуни таъкидлаш жоизки, Президент Ислом Каримовнинг 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойиши ўзининг муҳимлиги билан халқимиз ҳаётида, келажагимизнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашда мустақилликка эришишдан кам бўлмаган улкан тарихий ғалабадир! Аминмизки, йиллар ўтиб, авлодлар ушбу тарихий ҳужжатни эълон қилган Юртбошимизга тасанно айтади. Албатта, бугун барчамизнинг ўрганишимиз, амал қилишимиз, бажаришимиз зарур бўлган талай билимлар, юмушлар қаторлашиб турибди. Шунга қарамай, биринчи галда фуқаро сифатида ўзинг яшаётган жамиятнинг асл моҳият-мақсади жамланган қонунларини билишинг шарт. Бусиз ҳеч бир фуқаро ўзини тўлақонли ҳис этолмайди, демакки, у ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини билмайди.

Мустақилликнинг, чин фуқароликнинг моҳиятини англаш бу — Конституцияни билиш-ўрганишдан бошланади. Янгиланаётган давлатга мустақил фикрлайдиган, маънавий соғлом, ватанпарвар ёшлар керак. Уларни тарбиялаш эса ўз-ўзидан кечмайди. "Биз бефарқликка йўл қўйсак, болаларимизни бошқалар етаклайди" — Президентимизнинг бу сўзларида жуда катта маъно борки, бу Ватаннинг келажаги ёшлар қўлида, Ватанни севиш, қадрлаш, унинг бугуни, эртаси, тарихига муҳаббат билан қараш, ишонч каби мақсадлар устувор. Шунинг учун ҳам юқоридаги Фармойишни нафақат бугунимиз ёки бир-икки авлод умрига тенглаштириш мумкин, йўқ, бу асрларга татигулик миллий манфаат, қонун, озодлигимизнинг ҳуқуқий асосларини англаш-ўрганиш йўлидаги буюк имкондир.

Қурбонгул ЭРГАШОВА,
Ромитан туман суди судьяси,
Ражаббой РАУПОВ,
"Инсон ва қонун"нинг махсус мухбири

Прокурор минбари

НОМАРДНИНГ МУШТИ БОШ ЁРАР

Халқда "Қоронғунинг кўзи кўр", деган нақл бор. Бунинг маъноси шуки, илм-ҳунардан бехабар киши қоронғида чироқсиз қолган йўловчи мисоли чорасиздир. У йўлни қаёққа солишни билмайди, оёғи қаёққа бошласа кетаверади. Аксинча, ёшликдан қунт билан ҳунар ўрганганнинг эса ризқи унади, турмуши фаровон бўлади. Энг муҳими, бундайлар ҳаётдан қўним топади, эл орасида ўз ўрни, қадри, обрў-эътибори бўлади.

Бугунги кунда илм олишга, касб-ҳунар ўрганишга қилинаётган даватлар, яратилаётган шарт-шароитлар ақлини йиғиб олган, келажакдан умиди бор ёшларни жалб этаётир ва бундай ёшлар иқтидорига яраша ўқиб-ўрганиб, эл-юртнинг корига ярайдиган инсонлар бўлиб камол топаётир. Бироқ уқувсизлиги, жон койитиб меҳнат қилмаслиги, боз устига, енгил-елпи пул топиш пайида бўлиб, оқибатда йўлини йўқотиб қўяётганлар ҳам йўқ эмас.

Пайариқлик Асомиддин Хўжақулов бирор-бир касбнинг бошини ушлашни ўйламасди. Ёши ўттиз бешни қоралаган бу кимса оилада, бир нафар фарзанди бўла туриб, тайинли иш билан шуғулланмади, гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда тасодифий даромад билан кун ўтказишни одат қилди. Ўтган йили август ойида у Жиззах вилояти Дўстлик туманига, ўз таъбири билан айтганда, "иш қидириб" келади. Тумандаги қариндошларникида бир-икки кун тунагач, шу атрофдан иш излаб, бировнинг томини суваб, бировнинг ерини чопиб кун ўтказади.

"Қўлдан берганга қуш тўймас", деганларидек, мавсумий ишлар тугаб, топган-тутганини еб-ичиб битирган Асомиддин боши оғиб Дўстлик тумани Деҳқон бозори атрофида ўралашади. У ерда "Расул бобо" чойхонаси эгаси Даврон Расулов билан "ошқатиқ" бўлиб, ишга ёлланади. Даҳанаки "шартнома"га кўра Асомиддин елиб-югуриб мижозларга хизмат кўрсатадиган, "хўжайин" Даврон Расулов унга ҳар куни 500 сўмни санаб берадиган бўлади.



Суратда: (ўнгдан) прокурор А. Турсунов ўз ходимлари билан иш устида.

Келинг, воқеанинг давомини "қаҳрамон"имизнинг ўз тилидан эшитайлик: "Мен эртаси кундан бошлаб ишлашлигимни айтдим. Эртаси куни келиб ишга киришиб кетдим. Икки-уч кун ўтибдики, пулдан дарак йўқ. Сўрадим. Даврон ака бўлса, ишлаб туравер, оласан-да", деди. 2000 йил 15 октябр куни мен "Расул бобо" чойхонасида ухлаб ётганимда Даврон ака уйғотиб, менга бақириб кетди..."

Энди можаронинг давомини, ўзингиз тасаввур қилишингиз мумкин. Асомиддиннинг 3-4 кунлик иш ҳақи нари борса икки-уч минг сўм пул бўлар. Бироқ, унинг чойхона эгаси билан уюштирган жанжали мудҳиш оқибат билан тугади: "Оёғим тагида ўтин учун ишлатиладиган ёғочни олдим ва Даврон ака менга пичоқ билан ташланганда, қўлимдаги ёғоч билан бош қисмига бир-икки марта урдим. У кароватга йиқилди, мен бўлган воқеадан ўзимни йўқотиб қўйдим ва нима қилишимни билмай шошиб қолдим". Асомиддининг шундан кейин қилган ҳаракатлари унинг кўрсатмасида ёзганидай, ўзини йўқотиб қўйганлигини эмас, балки аниқ мақсадни кўзлаб иш тутганини кўрсатади. У совуққонлик билан ўз қурбонининг чўнтагини ковлаб, пулини олади сўнг чиқиб чойхона эшигини бекитади. Дўстлик-Челак автобусига ўтириб, қайдасан Пайариқ деб жўнаб қолади.

Дўстлик туман ички ишлар органи ходимларининг тезкор ҳаракати туфайли қотил икки кун ўтмасдан қўлга олинди.

Бу жиноятга доир воқеани батафсилроқ баён этганимиздан муддао-унинг замирига, жиноятни келтириб чиқарган сабабларга назар ташлаш, албатта. "Саёқ юрган, таёқ ейди", деб бежиз айтмайдилар. Асомиддин Хўжақуловни жиноятга бошлаган йўл унинг ҳаётда ўз йўлини топа олмаганида, десак тўғри хулоса чиқарган бўламиз. Касб-корининг бетайинлиги, турмушида таваккал қилиб иш тутиши, бугун бору эртага йўқ "тирикчилик манбаи" - бировларга ёлланиб топган омонат даромадга одатланиб қолгани, табийки, унинг феъл-атворида, руҳиятида ҳам салбий ўзгаришлар — шафқатсизлик, беҳаҳмлик, киши ҳақидан тоймаслик сингари иллатларни пайдо қилган. Бир қарашда эҳтиётсизлик оқибатидай туюлувчи бу мудҳиш жиноят замирида инсонни разолат ботқоғига тортувчи ана шундай бир-бирига боғланган сабабу баҳоналар занжирини кўриш қийин эмас.

Ҳа, "зийракнинг ақли тош ёрар, номарднинг мушти-бош" деб бежиз айтишмаган.

Акбархон ТУРСУНОВ,
Жиззах вилояти Дўстлик тумани прокурори,
адлия маслаҳатчиси.

ФҲДЁ ҳаёти

ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ — МАҚСАД-МУДДАОМИЗ

Бизнинг замондошларга аждодларимиз орзиқиб кутган энг олий неъмат — Ватан мустақиллигини шарафлаш бахти насиб этди. Эндиликда шу мустақилликни мустаҳкамлаш учун яшаш ва хизмат қилиш бурчи, масъулияти ҳеч биримизни тарк этмаслиги керак. Президентимизнинг "Биздан озод ва обод Ватан қолсин", "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!" деган даъватлари замирида барча ислоҳотларнинг, амалга оширилаётган эзгу ҳаракатларнинг моҳияти мужассамдир. Шу туфайли ҳам мустақиллигимизнинг илк кунларидаёқ ёш авлод ҳамда оила мустаҳкамлиги масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири қилиб белгиланди.

Маънавий ва ҳуқуқий тарбия, аввало оиладан бошланади. Оиланинг тинч-тотувлиги, болалар саломатлиги ва тарбияси бораисдаги ишлар бевосита ФҲДЁ фаолияти билан боғлиқлиги туфайли бизнинг зиммамиздаги вазифалар кўлами ҳам кенг.

2000 йилнинг "Соғлом авлод йили" деб эълон қилиниши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг "Соғлом авлод йили" Давлат дастурига кўра шаҳардаги барча ФҲДЁ бўлимлари ва никоҳ уйларида махсус режа асосида иш олиб бордик.

Аввало, шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси билан ҳамкорликда "Никоҳланувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича тартиб" ишлаб чиқдик. Шунга кўра, никоҳни қайд этиш идораларига ариза берган ёшлар махсус йўлланма орқали бошқармамиз қошида ташкил этилган АСХМ (Ахборот сервис хизмат марказ)да марказлаштирилган ҳолда компьютер рўйхатига киритилиб, сўнг шаҳар диагностика марказига тиббий кўрикдан ўтиш учун юборилмоқдалар. Ҳозирча 80 фоиз никоҳланувчилар шу асосда кўрикдан ўтказилди.

Афсуски, баъзан тиббий кўрикдан ўтишни рад этаётган ёшлар ҳам йўқ эмас. Таъкидлаш жоиз, бир-бирининг соғлиғидан, насл-насабидан хабардор бўлмай туриб, никоҳдан ўтишлар натижасида бардош бўлаётган оилалар ҳам учраб турибди. Бундай нохуш ҳоллар содир бўлмаслиги учун соҳамиз ходимлари жамоатчилик, маҳалла фаоллари, хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорликни янада кучайтириб, тарғибот-ташвиқот ишларимизни жонлантиришмоқда.

Шу ниятда деярли барча туманда ФҲДЁ бўлимлари ва никоҳ уйларида ёшларни оила қуришга тайёрлаш учун алоҳида маслаҳат хоналари ажратдик. Улар шифокор, руҳшунос, ҳуқуқшунос ва бошқа мутахассислар билан таъминланиб, ҳар ойнинг охирги пайшанба куни никоҳланувчилар қабул қилинмоқда.

ФҲДЁ ходимларининг касб маҳорати, сиёсий, маънавий-маданий савияси ва ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида бирмунча ишлар амалга оширилди. Ўн икки нафар ходим Республика юртистлар малакасини ошириш Марказида таҳсил олишди. Шу даргоҳда малака ошираётган, вилоятлардан келган мутахассисларнинг шаҳар ФҲДЁ бўлимлари ва никоҳ уйлари ишлари билан яқиндан танишишлари ҳамда гуруҳлар билан амалий машғулот ўтишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб бердик.

"Шодлик" никоҳ уйида ФҲДЁ ҳамда никоҳ уйлари ходимларининг "Энг ибратли ходима" кўрик-танлови ўтказилди. Танловда фахрли ўринлар соҳиби бўлган Д.Аҳмедова, Л.Аминова, У.Ҳолматова, Ф.Мадаминова, Л.Маҳмудбекова, И.Йўлчиевалар адлия бошқармасининг Фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

ФҲДЁ бўлимлари фаолиятидаги муаммоларни ҳал этиш мақсадида мудиралар кенгаши томонидан ўтказилаётган семинарлар ҳам ижобий самаралар бермоқда. Никоҳ ва оила маросимлари маркази жойлашган "ЖАР" спорт соғломлаштириш мажмуасида ўтказилган "Соғлом авлодни вояга етказиш - давримиз муаммоси" мавзуидаги учрашувлар ҳамда шаҳардаги "Боғи эрам" маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган "Болалар ҳуқуқлари конвенцияси" ва давлатимиз қонунчилиги бўйича викториналар кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Президентимизнинг "Тўй-ҳашам ва бошқа маросимларни ихчамлаштириш тўғрисида"ги Фармони ижроси бўйича ҳам бир талай ишлар амалга оширилди.

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида 11 та туман ФҲДЁ бўлимлари, 4 та никоҳ уйи, Улуғбек шаҳарчаси ФҲДЁ бўлими ва шаҳар ФҲДЁ архиви мавжуд бўлиб, уларда 17 нафар мудира ва 64 нафар назоратчи ишлаб турибди. Ўтган йили бир неча тумандаги бўлимларимиз учун янги қулайликларга эга бўлган биноларнинг фойдаланишга топширилиши айни муддао бўлди.

ФҲДЁ бўлимларида 2000 йил давомида 31434 та туғилиш, 11740 та никоҳ, 2083 та никоҳни бекор қилиш қайд этилди. Никоҳни бекор қилиш ҳолатини камайтириш мақсадида ажралиш тўғрисида ариза берган фуқаролар билан тегишли тадбирлар, суҳбат ва тушунтиришлар ўтказилди. Натижада бир қанча ана шундай аризалар қайтариб олинди. Бу шунча оиланинг сақлаб қолиниши демакдир.

Ўтказилаётган тўйларда ортиқча харажатлар бўлмаслиги учун ота-оналар ва келин-кўёвнинг хоҳишлари инобатга олинган ҳолда никоҳни қайд этиш маросими кўпчиликнинг гувоҳлигида тўй оқшомида ўтказилмоқда.

Соҳамиз ходимлари орасида ўз ишига масъулият билан ёндашиб, фидойиларча ишлаётганлар кўпчилик. Уларнинг бир гуруҳи ўтган йили адлия бошқармаси томонидан моддий ва маънавий рағбатлантирилдилар. Оилани ва никоҳни мустаҳкамлаш хусусида олиб борилаётган тадбирлар, "Соғлом авлод йили" муносабати билан амалга оширилган ишлар радио, телевидение ва вақтли матбуотда мунтазам ёритиб борилди.

Конституциямиз байрами арафасида Адлия вазирлигига ташриф буюрган Япония делегацияси аъзолари М.Улуғбек туман ФҲДЁ бўлими ва "Шодлик" никоҳ уйида бўлиб, фуқаролик ҳолати далолатномаларини расмийлаштириш тартиби ҳамда миллий урф-одатларимиз билан яқиндан танишдилар.

Ҳозир янги XXI аср билан юзлашиб яшар эканмиз, ўтган асрнинг сўнги ўн йили Ватанимиз ва халқимиз ҳаёти учун нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳис қиламиз. Юртбошимизнинг янги йилни "Оналар ва болалар йили" дея эълон қилишлари бизнинг зиммамизга ҳам янада теранроқ вазифалар юклайди. Демак, инсон тўғрисида, оила ва никоҳни мустаҳкамлаш, ёш авлод тарбиясини камолотга етказиш борасида узлуксиз ғамхўрлик қилинмоқда. Биз бундай эътиборга жавобан йил бошиданоқ янада самарали ишлаш режаларини тузиб, ёруғ мақсадлар сари ҳаракат қилаяпмиз.

Гулнора ИНОМЖОНОВА,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Суратда: Япония делегацияси аъзолари билан учрашув пайти.

Лўқма

ТАРТИБГА СОЛИНСА...

Яратганга шукрлар бўлсинки, юртимизда халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини кўриқловчи идора-ю маҳкамалар бисёр. Бири сарҳадларимизни сақласа, бири уй ва кўча-кўйдаги осойишталигимизни кўриқлайди, яна бири юртимиз бойликларини хомталаш этишдан асрайди, бошқаси адолатли қонунларимиз посбони, йўллар назоратчиси. Шу тариқа солиққа тортувчилар ҳам, атроф-муҳит муҳофазасини таъминловчилар ҳам, қарздорларнинг танобини тортувчилар, санитария озодлигини назорат қилувчилар ва ҳатто тош-тарозиларнинг созлигини текширувчилар, бошқа-бошқалар ҳам — бари хизматга шай.

Яқинда ғалати ҳолнинг гувоҳи бўлдик. Аниқроғи, Хоразм вилоятининг Питнак шаҳри ҳудудидаги атиги 2-3 чақиримлик йўлдан ўтиб-кечиб юргучилар шу ерда пайдо бўлган назорат-текширув масканлари ҳақида ғаройиб хабарлар келтиришди. Инонмадик. Бориб кўришга аҳд қилдик. Амударёнинг Туямўйин қисмидан ўтиб, Қизилқум саҳросига равона бўлаверишда жойлашган назорат-текширув маскани тунги соат 5 бўлишига қарамай, турли машина ва одамлар билан тирбанд. Мисоли қайнаб-тошаётган бозорни эслатади. Тун алламаҳали, боз устига саҳро бағридаги бу манзара кишига чиндан ҳам ғалати ва ажабтовур туюлади. Мазкур масканга иккинчи бора кундузи кириб бордик. Яна ғалати манзара. Унинг ғалатилиги шундаки, энди бу ерда машина ва одамлардан асар ҳам йўқ эди. "Узоқ масофаларгача қатновчилар бу йўлдан кўпинча тунда ўтишади" изоҳ берди божхоначилар гуруҳи раҳбари. Нимаям дердик, йўлга унинг қай маҳалида отланиш ҳар кимнинг ўз иши. Аммо одамларнинг гапида жон бор бўлиб чиқди. Туямўйин аталмиш атиги 2-3 чақиримлик масофада 4 та назорат-текширув масканига дуч келдик. Ҳар бирида юклар ва ҳужжатларни синчиклаб текширишди. Хуллас, бор-йўғи 3-4 дақиқалик бу йўл ва ундаги назорат-текширув масканларидан баъзан 20-30 минутда ўтиб кетсанг, баъзан соатлаб, ярим кунлаб кутишга мажбурсан. Вақтинг кетди — нақдинг кетди, дегани шу-да. Бекор ўтган вақтга ачинмай иложи йўқ, кишининг. Ачиниш эса асабийлашувнинг ўзгинаси. Шу боис мазкур масканлардаги "гавжум бозор" ва ундаги бақирув-чақирувлардан ўзимизнинг ҳам асабларимиз таранглашди. Ана шуларни мулоҳаза этиб турсак, ҳайдовчи ва йўловчилар учун юқоридаги ҳолатлар ҳолва бўлгучи бошқа бир ажиб воқеадан ҳам хабар топдик. Мазкур тўртала маскан камлик қилгандай, улар ёнида бешинчи назорат-текширув мажмуи қурилиши ҳам бошланибди. У Нукус-Бухоро автомагистралининг Туямўйиндан чиқаверишдаги қисмида жойлашган. Аён бўлишича, бу масканни Қорақалпоғистон ДАН хизмати бошқармаси бунёд этмоқда. Туямўйин орқали ўтувчи мазкур йўлнинг қорақалпоғистонлик ДАНчиларга ҳечам даҳли йўқ. Негаки, ушбу масофада Қорақалпоғистон томон қайрилган биронта ҳам йўл тармоғи йўқ. Туямўйин томон солинган якка-ю ягона йўл эса сизни Хоразм воҳасига етаклайди. Ва ундан асосан шу ерлик автотранспортчилар фойдаланишади. Йўлнинг ўзи ҳам "Хоразмавтойўл" бирлашмаси тасарруфида. Транспорт ҳаракатини эса хоразмлик ДАНчилар бошқаришади. Бироқ гап бунда ҳам эмас. Гап юқорида таъкидланганидек, шундоғам ғуж-ғуж назорат-текширув маҳкамалари ёнига яна бирининг қўшилиши, транспорт ҳаракатига навбатдаги ғовнинг солиниши.

Хўш, ана шу йўлдан ўтиб кетувчи йўловчилар ва транспортчиларнинг галдаги ноқулайликларга нисбатан изҳор этаётган таъна-дашномлари, шикоят ва норозиликларига тегишли ички ишлар маҳкамалари ва бошқа мутасадди идораларнинг раҳбарлари қандай муносабатда бўлишаркин? Йўлдаги бешинчи тўсиққа зарурат борми ўзи?

Абдулла СОБИРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Соғлом оила — соғлом авлод

ПУХТА НИКОҲ — БАХТ-САОДАТ КАЛИТИ

Оила кодексимизда никоҳланувчиларни тиббий кўрикдан ўтказишга оид алоҳида модда мавжуд бўлиб, ушбу модда никоҳ тузувчиларнинг розилиги билан биринчи маротаба никоҳланувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш ҳамда оилани режалаштириш борасида маслаҳатлар бериш давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасалари томонидан амалга оширилишини белгилайди. Бундай маслаҳат ва текширувдан мақсад, ёшларни турли касалликлардан асраш, шунингдек, тарафларни олдиндан огоҳлантириб, касалланишнинг олдини олишдир.

Вилоятимизда қонун талабларини амалда бажариш бўйича барча шаҳар, туман фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари томонидан никоҳланувчи шахсларнинг розилиги билан уларга тиббий кўрикдан ўтишлари учун тиббий муассасаларга йўлланмалар бериш яхши йўлга қўйилган. Йўлланма асосида тиббий муассаса томонидан текширувдан ўтказилганидан сўнг уларнинг ҳар бирига қандай касали борлиги ва унинг олдини олиш, даволаш тўғрисида маслаҳатлар берилади.

Албатта, никоҳланувчини кўрикдан ўтказиш натижалари шифокор сири ҳисобланиб, бу тўғрисида никоҳдан ўтувчи иккинчи томонга фақат текширувдан ўтган шахснинг розилиги билан билдирилади. Ахир, касаллик аниқ бўлгач, турмуш қурмай туриб ҳам унинг олдини олса бўлар эди-ку, нега бу шифокор сири ҳисобланади, деган ҳақли савол туғилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Конституциямизда белгилаб қўйилган "Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга" деган тамойил бу ўринда ўз кучини сақлаб қолади. Зеро, оила қуришга енгил-елпи қараш оғир оқибатлар келтириши мумкин. Ҳатто Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларида била туриб, бошқа шахсга таносил касалликларини юқтириш турли муддатларда озодликдан маҳрум этиш жазоларига ҳукм қилиниши белгиланган. Тиббий кўрик натижаларини иккинчи томонга билдириш ёки билдирмаслик ҳар бир шахснинг виждонига ҳавола экан, била туриб ҳар ким ўзига нисбатан жиноят содир этилмасдан, унинг олдини олгани маъқул. Мабодо, никоҳланувчи била туриб иккинчи томондан касаллигини яширган ҳолда турмуш қурса, ҳуқуқи бузилган шахс касаллигини яширган шахсга нисбатан никоҳни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида судга мурожаат этиши мумкинлиги қонунда белгиланган. Таъкидлаш жоизки, агар бўлғуси эр-хотинлар никоҳ тузилгунга қадар бир-биридан касали борлиги тўғрисида хабар топган бўлса, бу никоҳни ҳақиқий эмас деб ҳисоблаш учун асос бўла олмайди.

Шу ўринда буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг оила тўғрисидаги қуйидаги сўзлари ёдга тушади: "Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишнинг насл-насабини, етти пуштини суриштирдим. Хос одамлар орқали соғлиқ-саломатлигини, жисмонан камолотини аниқладим. Келин бўлмиш насл-насаби, одоб-ахлоқи, соғлом-бақувватлиги билан барча қусурлардан ҳоли бўлсагина, эл-юртга катта тўй-томоша бериб, келин туширдим".

Никоҳдан ўтиш учун қонунларимизда белгилаб қўйилган 1 ойлик синов муддатидан ҳар икки тараф унумли фойдалана олиши мақсадга мувофиқ. Яъни никоҳланувчилар турмуш қуришдан олдин пухта ўйлаб кўришлари, танлаган бўлғуси умр йўлдошининг соғлом эканлигига тўла ишонч ҳосил қилиши никоҳнинг кўнгилдагидек, бахтли-саодатли бўлишига омил бўлади.

Насиба ТЎРАЕВА,
Навоий вилоят адлия бошқармаси катта маслаҳатчиси

ҲУҚУҚИЙ МИНБАРГА АЙЛАНДИ

Бизни қутлайдилар

Қаерда халқ ўз ҳақ-ҳуқуқини билмаса, ҳуқуқий жиҳатдан саводсиз бўлса, ўша ерда демократия поймол этилади, юлғичлик, зўравонлик, порахўрлик каби иллатлар авж олади. Истиқлолга эришганимиздан сўнг бизнинг мамлакатимизда ҳам халқимизнинг ҳуқуқий билимини оширишга эътибор кучайди. Республика ва вилоятларда қатор ҳуқуқий нашрлар чоп этила бошланди.

"Инсон ва қонун" шу нашрлар ичида ўз ўрнига, ўз нуфузига эга газета. У жуда қисқа вақт ичида нафақат соҳа ходимларининг, балки кенг халқ оммасининг севимли нашрига айланди. Бугун "Инсон ва қонун"нинг ўн минглаб ўқувчилари бор.

Президентимиз Фармонлари, Олий Мажлис сессияларида қабул қилинаётган қонунлар, ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига шарҳлар бериб, бу ҳужжатларнинг аҳамиятини халқона, содда тилда одамларга тушунтириб беришда газета катта ишларни амалга оширмоқда. Шунингдек, у сўнгги йилларда тадбиркорларнинг ҳақиқий ҳимоячисига айланди. Газетада шу мавзуда ўнлаб мақолалар босилдики, бу шубҳасиз, мамлакатимизда тадбиркорларнинг кўпайишига, соҳани ривожлантиришга ҳалал бераётган суньий тўсиқларнинг олиб ташланишига ёрдам берди.

"Инсон ва қонун"ни суд очерклари, ҳуқуқий мавзудаги мақолаларсиз тасаввур қилиш қийин. Газетада шундай мақолалар яна ҳам кўпроқ босилишини истар эдик.

Бугун "Инсон ва қонун"нинг биринчи сони чиққанига беш йил тўлди. Шу озгина фурсат ичида газета ўз йўлини топиб олди, ҳақиқий ҳуқуқий минбарга айланди.

Давлатмурод ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Элликқалъа тумани прокурори

ИШОНЧ ТОҒИ

Мамлакатимизда чоп этилаётган миллий нашрларимизни "Газеталар шарҳи" кўрсатуви орқали яқин икки йилдан буён шарҳлайман. Айнан мана шу шарҳловчилик фаолиятимдан келиб чиқадиган бўлсам, менда кўпгина газеталарни солиштириш имконияти бор. Чунки, ҳар куни ўнлаб газеталарни ўқиб чиқиш, улардаги мавзулар ранг-баранглиги, мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, ислоҳатларга муносабатларидан келиб чиқиб маълум даражада уларнинг фаолиятига баҳо бериш мумкин.

Агар "Инсон ва қонун" газетаси ҳамда унинг ижодий жамоаси фаолиятини баҳолайдиган бўлсак, мен бир ўқувчи сифатида ундан алоҳида қониқиш ҳосил қилишимни айтган бўлардим. Албатта, газета саҳифаларида чоп этилаётган турли мавзулардаги мақолалар, танқидий-таҳлилий чиқишлар, энг асосийси, газета саҳифаларида кўтарилган муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилаётгани ва бу ҳақда газета ўз муштарийлари олдида ҳисобот бериб бораётгани ҳам унинг обрўсини ошираётганини алоҳида таъкидлаш керак. "Инсон ва қонун" бугун мамлакатимизда фаолият юритаётган тадбиркорларнинг ишонч тоғига айланиб қолди. Айрим жойларда учраб турадиган ижтимоий адолатсизликларга қарши аёвсиз курашаётган газеталардан бирига айланди. Бугун газетанинг беш йиллик таҳламини варақлаб кўрган ҳар бир ўқувчи бизнинг фикримизга қўшилишига шубҳа йўқ.

Газета жамоаси ўз аҳилликлари, ўткир қаламлари билан "Инсон ва қонун"нинг эллик йиллигини ҳам бирга қарши олишларига тилакдошман!

Ислом ҲАМРО,
матбуот шарҳловчиси

АРАФАДА ТУҒИЛГАНЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ

Газетамиз "туғилган" куни арафасида ўз орамиздан бу санага даъвогарлар ҳам чиқиб қолди.

Фотомухбиримиз Нурмамат АЛМУРОДОВ, кадрлар бўйича бўлим мудири Абдумўмин ҚУЛТУРАЕВ ва ҳатто... Бош муҳарririmиз Файзулла ҚИЛИЧЕВ ҳам шу кунларда таввалуд топишган экан.

Юбиляр газетанинг жамоаси "юбиляр" ходимларимизни самимий табриклайди. Уларга соғлиқ ва ижодий муваффақиятлар тилайди.

- Турмушдаги ютуқларни кўрган кўзимиз камчилик ва нуқсонларни ҳам илғамоғи шарт, зеро, буларсиз адолат тугал бўлмайди, - дейди махсус мухбиримиз, таниқли журналист ва ёзувчи Ражаббой РАУПОВ.

Сўз муштарийга



"ҲУҚУҚИНИ БИЛГАН ХОР БЎЛМАС!"

ёхуд муборакмик муҳандис Раҳим Рўзиевнинг дил сўзлари

...Танимасни сийламас, дейдилар. Шу боис олдин бир қўл сиқишиб олайлик! Ёшим айни қирчиллама қирқда. Чўлнинг шамолини кўкракка уриб катта бўлганмиз. Ҳамюрт шоиримиз Абдулла Ориф айтмоқчи "сахройи халқ"қа мансубмиз, сўзларимиз ҳам сал дағал чиқса, кўнгилга олмайсиз...

...Кеча денг, "Инсон ва қонун" газетасини варақлаб, мазза қилиб ўтирсам, жиккаккина, галстуги ўзидан узун бир мухбир укамиз келиб: "Бу газетага обуна бўлганмисиз ёки тасодифан қўлингизга тушиб қолдими?!" дейди. Полвон одам бўлсам ҳам ана шу майда гап оғир ботди. Ҳей, дедим, бир кун ўзим яхши кўрган газета ёки журнални варақламасам, бамисоли носкадисини йўқотган носкашдай гарангсираб юраман. "Инсон ва қонун"га тўрт йилдан ошдики, ошиқ бўлганмиз. "Миз" деганим кўпчилик, яъни жамоамиз билан мунтазам тарзда мутолаа қилиб келамиз. Қарасам, ишонгиси келмаяпти. Шартта стол тортмасидан почта муҳри босилган "квитанция"ларни олдига дастурхон қилдим. Мухбир қурмагур шундан кейин ҳам мени синашга ўтди: "Яна қандай ҳуқуқий нашрларни биласиз?" деб талмовсираги. "Ҳаёт ва қонун", "Қонун ҳимоясида" журналлари, "Ҳуқуқ" газетаси, "Постда", "Куч адолатда", "Қонун йўлида", "Қалқон", вилоятнинг ўзида "Адолат кучи", "Посбон", "Солиқ ва ҳаёт" дея санаб кетдим. Мухбир бола бир амаллаб мени тўхтатди-да, сўнг муғомбирона кулди: "Шунча ҳуқуқий газета-журналларнинг бўлиши яхшими ёки ёмон?!" Ие, бу одам "газетада ишлаган" билан ўзи газета ўқимайдими, дейман. Нималар деб ёзишаяпти, телевизорда нима гап-сўз? Ахир, ҳозир биз ҳуқуқий давлат қураяпмиз-ку! Шундай экан, қонун, тартиб-қоида, интизом моҳиятини англаб етмасдан энди кун кечириб бўларканми?! Тўғри, балки "кун кечириш" ҳам мумкиндир... Бироқ бу дунёда ҳақ-ҳуқуқингни билиб яшаганингга нима етсин! Кўнгилга олмангу бизда ҳали ҳуқуқий билимларимиз, "қонунга бўйсунишимиз" гапнинг очиғи, қонун даражасида эмас. "Бойлар ҳам йиғлайди" деган Лотин Америкоси киносини кўрганмисиз? Ўшанда мабодо икки қўшни келишолмай қолишса ҳам бамайлихотир ишини қилиб юришаверади. Уларнинг ўрнига эса шахсий адвокатлари "ёқа бўғишишади". Қайсиниси қонун доирасида ютиб чиқса, дарҳол тан ҳам беришади... Биздачи? Қонунни тузук билмаслигимиздан қанчадан-қанча қоғоз сарф бўлади, вақт-чи? Бундан хижолат чекмаслик керак. Чунки энди мустақил ҳуқуқий давлат қураяпмиз. Шунинг учун ҳуқуқий газета-журналларнинг кўп бўлиши ҳаётий зарурат. Обуна масаласига келсак, ким қайси газетани хоҳласа, ихтиёр ўзида... Нима дедингиз? Масалан, менга "Инсон ва қонун" ёқади. "Ҳаёт ва қонун" журнали доим иш столимдан ўрин олган. Чунки камина ҳам кичикроқ бўлса-да, бир жамоа бошлиғи — Муборак нефт ва газ конлари бошқармасига қарашли автотранспорт цехи мудириман. Қўл остимда 250 нафар ишчи, ҳайдовчи, чилангар ва хизматчилар ишлашади. Ҳозир одамлар барчаси саводхон, шундай ҳузуримга кириб: "Мана бу масалани қандай ҳал қиламиз?" дея сўрайди. Шунда масалага қонун жиҳатдан ёндашмасанг, чувинг чиқиши аниқ. "Инсон ва қонун" ва "Ҳаёт ва қонун"дан миннатдор томоним, жуда кўп чигал, ҳуқуқий муаммоларга ана шу газета-журнални ўқиб жавоб топганман. Қонун билан ишласанг-чи, ишинг ҳам зўр кетаркан. Мана ўз жамоамдан мисол. Интизом қатъий, "прогул" йўқ, қанча кўп ишласа ойлик-маоши, мукофоти ҳам шунга яраша, солиқлар вақтида тўланади. Ҳаётий ҳақиқат шундан иборат эканки, қўл остингдагиларни интизомга ўргатсанг, уларнинг моддий манфаатдорлигини оширсанг, ўзи соғлом, рўзғори тўкин бўлса жон қуйдириб ишлашаркан. Хўш-ш, десангиз, бизда ўртача ойлик 25-30 минг сўм, ҳар чоракда мукофот дегандай. Йилни 300 миллион сўм фойда билан якунладик. Нима ҳисобига? Биринчи галда белгиланган режа топшириқларини ошириб бажарганимиз, тежамкорлик, тадбиркорлик дегандай... Ҳайдовчиларимиз томонидан 9 ойда 56 тонна бензин, 54 тонна дизель ёқилғиси тежалибди. Агар улар қонунни ҳурмат қилишмаганда, шу тежамкорлиги орқасидан мукофот пули олишмаганда, шунча миқдор ёқилғини ўз шахсий мақсадида ҳам ишлатиши мумкин эдими? Албатта... Лекин бизнинг бошқармамизда маънавий-маърифий ишлар, ҳуқуқий саводхонликни ошириш раҳбарларимизнинг доимий диққат марказида. Бу ўринда бошқарма бошлиғи, Республика Олий Мажлиси депутати Нуриддин Зайниевдан барчамиз миннатдормиз. Боиси, шу киши бошчилигида "Маънавият ва маърифат" Маркази фаолият кўрсатаяпти, кўпчилик газета-журналларга ҳомийлик қилинаяпти, тез-тез пойтахтдан ташриф буюрган таниқли адиб, шоир, санъаткор ва ҳуқуқшунослар иштирокида анжуманлар ўтказилаяпти. Шундай маърифий тадбирлардан ҳуқуқшунос ёзувчи Файзулла Қиличевнинг муҳтарам Юртбошимиз асарига ҳуқуқий шарҳи тарзида ёзилган "Замон ва макон таҳлили" номли китобига бағишланган кеча кўпчиликда мароқли таассурот қолдирди. Шу муаллифнинг бизнинг вилоятимизга алоқадор "Тадбиркорга тўғаноқ" туркум мақолалари ҳам долзарб муаммоларни кўтариши билан биздек муштарийларга маъқул бўлди. Севимли "Инсон ва қонун" газетамизда, шунингдек, журналист ва шоир Сирожиддин Рауфнинг "Огоҳ бўлайлик!" рукнидаги, "Ҳаёт ва қонун" журналида чоп этилган "Нақадар лазиссан, озодлик!" мақолалари, ҳуқуқшунос Мўътабар Тожибоеванинг "Раҳбар маънавияти" мақоласи шахсан менга катта маънавий озуқа инъом этди. Чет муаллифларга кенг ўрин ажратилаётганлиги ҳам газета раҳбариятининг ютуғи. Фақат негадир мен хуш кўрадиган "Сайилгоҳ гурунглари" саҳифаси илгаридагидек тез-тез берилмаяпти...

Гап шу ерга етгандики, ҳалиги мухбир бола ўрнидан туриб кетди. Елкамга шапатилаб: "Бўлди, ака, мен сизни "техника" одами ёки кураш тушишдан бошқани билмайди десам, "ўзимиздан" экансиз! Қани, сиздек зиёлилар кўп бўлса..." деди-ю, хайр-маъзурни ҳам насия қилганча чиқиб кетди.

Оббо, ҳали гапимнинг ўндан бирини ҳам тўкиб сололмаган эдим-ку! Ҳа, майли, эсонлик бўлса, кўз ўқишдан, миямиз фикрлашдан толиқмаса, "Инсон ва қонун" саҳифаларида яна кўп суҳбат қурармиз. Дарвоқе, асосий айтадиган гапим хотирадан чиқаёзибди. "Инсон ва қонун"га обуна бўлишга пулини қизғанганларга айтадиганим шу: икки-уч маротаба кабоб чайнаб, "шайтоннинг суви"дан тотиб кўрмасангиз, тўйда отарчига пул қистирмасангиз, ишга таксида эмас, бир-икки кун пиёда борибкелсангиз, ҳеч нарса ютказмайсиз (ўшалардан тежалган ақчага бемалол газета харид қилиш мумкин), бироқ "Инсон ва қонун"га обуна бўлмасангиз, "қучоққа сиғмайдиган бойлик"дан маҳрум бўлибсиз... Лекин эзгуликнинг кечи йўғ-а, нима дедингиз?!

- Суратларингиз ёмон эмас-у, аммо... кўз, ҳам... қулоқ, бурунлар кўринмаяптику, - дейди масъул котиб Тўхтамурод Ҳасанбоев.

- Тагёзувини келиштирсак, ҳеч қурмаса, эгаси таниб олар, - деб «товарини» ўтказмоқчи бўлади фотомухбир Нурмамат Алмуродов.

Ҳисоб-китоб бўлимида эрталабки иш газетамизнинг янги сонини ўқишдан бошланади.

- Эх-ҳе,- дейди бош бухгалтер Бобоназар Улашев девонхона мудири Абдумўмин Қултўраевга, - қалам ҳақининг тошбосдиси яна Аҳмад Отабой билан Беккулга кетадиган бўпти-да. Қачон „ўзимизники„лар шундай ишлайдиган бўлишади.

Хазиначи Анвар Абдукаримов бир нарса демоқчи бўлади-ю... жим тураверади.

Таҳририятга келган хат, мақола ва материаллар асосан умумий бўлим муҳаррирлари нигоҳидан ўтади, улар қўлида сайқал топади. Бўлим мудири Рўзибой Саидов ва бўлим муҳаррири Арофат Ортиқовалар баъзан «тортишиб» ҳам туришади.

Етакчи оператор Мухлиса Дўстова табассум қилганда экран ёришиб кетиб, «хато»лар қочиб яширинади, саҳифалар сергак тортади.

- Бизники ортиқчасини Ортиқчасига олиб ташлаш,- дейди бош мусаҳҳих Ортиқбой Худойбердиев.

«Инсон ва қонун»нинг саҳифаловчиси Елена Кулишова нисбатан янгилардан бўлса-да, маҳорат билан фаолият кўрсатиб, жамоа назарига тушди.



«САЙЛГОҲ»НИ ИЗЛАЙМАН

Касбим тақозоси билан тез-тез одамлар орасида бўлиб, бугунги кун талаблари асосида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда иштирок этаман. Мактабларда, маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда ўтказиладиган учрашувларда кўпинча одамлар қонунлар билан боғлиқ саволлар беришади. Очиғи, ҳуқуқий мавзудаги адабиётлар ҳар доим ҳам қўлингда бўлавермайди. Ана шундай йиғинларга тайёргарлик кўришда, саволларга қониқарли жавоб топиб беришда мен «Инсон ва қонун» газетасидан асосий таянч, манба сифатида фойдаланаман. Чунки газетада турмушимиздаги қонунчилик билан боғлиқ ҳар қандай муаммога оид материалларни топиш мумкин.

Шу ўринда оддий газетхон сифатида бир гапни айтишим лозим, деб ўйлайман. Ҳар сафар газетанинг янги сонини қўлга олганимда, беихтиёр «Сайилгоҳ гурунглари»ни қидираман. Назаримда, «Инсон ва қонун»нинг бу топилдиғи ҳам кўпчиликка манзур бўлиб қолди.

Янги йилнинг бошида газетанинг чиқа бошлаганига беш йил тўлиши муносабати билан мен таҳририят аъзоларини табриклаб, ўз олдиларига қўйган олийжаноб ишларида муваффақиятлар ёр бўлишига тилакдошман.

Фарҳод МЕРГАНОВ,
юрист,
Навоий вилояти,

МУШТАРИЙЛАР ДИҚҚАТИГА

Асосий бўлмаган иш жойидан (Ўзбекистон Республикасидаги, шунингдек, унинг ҳудудидан ташқаридаги манбалардан) даромад олган резидент-жисмоний шахс доимий истиқомат жойидаги солиқ органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай, жами йиллик даромади ҳақида декларация тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси
Солиқ кодексининг 62- моддаси

Пискент туман хотин-қизлар қўмитасининг «Музайяна» газетаси таҳририяти тугатилади. Даъволар билан 8 (254) 51-670 телефонига мурожаат қилинг.

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Узоқ БОЗОРОВ
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ (масъул котиб)
Рўзибой САИДОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-945 Тиражи-10.000. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00

Навбатчи: Р.САИДОВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: Л.КУЛИШОВА
Компьютерда матн терувчи: М. ДЎСТОВА

700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-24-41, 132-14-18
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.